



*FARMATSEVTIKA JURNALI*  
*ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ*  
*ЖУРНАЛ*



*4*

*2015*

торгівлі лікарськими засобами» – [Електронний ресурс]. – Режим доступу: <http://zakon1.rada.gov.ua/cgi-bin/laws/main.cgi?nreg=z1420-11>

5. Толочко В.М. Изучение опыта легализации деятельности интернет-аптек в странах Евросоюза и возможность его использования на Украине / В.М.Толочко, Ю.П.Медведева, Т.Ф.Музыка // Научные ведомости (серия Медицина, Фармация). – 2013г. – №11 (154). – Вып.22. – С.239-245.

Пестун И.В., Софронова И.В., Евтушенко Е.Н.

### ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИИ В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АПТЕК

Статья посвящена проблеме использования онлайн технологий в маркетинговой коммуникационной политике аптек. Проанализированы правовые аспекты регулирования реализации лекарственных средств в Украине. Изучены особенности реализации лекарственных средств через Интернет-ресурсы в странах, в которых она законодательно разрешена. Проведен сравнительный анализ функционирования интернет-сайтов аптек в Украине по структуре и качественным критериям. Изученные сайты были разделены на четыре группы с учетом их общих черт и различий.

**Ключевые слова:** фармация, маркетинг, интернет технологии, продвижение, розничная торговля лекарствами, законодательное регулирование.

И.В.Пестун, И.В.Софронова, Е.Н.Евтушенко

### ДОРИХОНА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Мақола дорихона маркетинг коммуникациялари сўёсатида онлайн технологияларини қўллаш муаммоларига бағишланади. Украинада дори воситалари савдосини тартибга солишинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Дори воситаларини Интернет ресурслари орқали сотиш қонуний равишда руҳсат этилган мамлакатларда ушбу жараёнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Украинада дорихоналарнинг интернет сайтлари фаолиятининг таркиби ва сифат кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлили ўтказилди. Ўрганилган сайтлар умумий белгилари ва тафовутлари бўйича тўртта гуруҳга таснифланган.

**Таянч иборалар:** фармация, маркетинг фаолияти, интернет технологиялари, сўёсатиш, дори воситаларининг чакана савдоси, қонуний тартибга солиш.

Украина Миллий фармацевтика  
университети

19.11.2015 й.  
қабул қилинди

УДК 615.282.84

Д.Т. Сайпова, Ю.Г. Асланова

### АНТИМИКОТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорининг аҳамиятли сегментини ташиқил этган замбуруғли касалликларни даволашда кенг миқёсда қўлланиладиган антимикотик дори воситалари ассортиментини диверсификациялаш ҳолати ўрганилиб, маҳаллий антимикотик дори воситаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш йўналишлари тақдим этилди.

**Таянч иборалар:** антимикотик дори воситалари, диверсификация, халқаро патент-ланмаган ном, савдо номи, дори шакллари, ассортимент позицияси.



7.	КЛОТРИМАЗОЛ	1. Суртма 1% 20 г, 25 г, 30 г 2. Вагинал шамча 100 мг №10	TORIMED PHARM, Ўзбекистон
Fluconazole			
8.	ФУЦИС® ДТ ФУЦИС®	1. Диспергирланган таблетка 50 мг №4 2. Сиртки қўллаш учун гел 0,5% 30 г 3. Таблетка 50 мг, 100 мг, 200 мг №4 ва 150 мг №1, №4 4. Инфузион эритма 0,2% 100 мл	Kusum Healthcare Pvt. Ltd, Ҳиндистон
9.	МИКОСИСТ®	1. Капсула 50 мг №7, 100 мг №28, 150 мг №1, №2 2. Инфузион эритма 200 мг/100 мл	Gedeon Richter PLC Венгрия
10	ДИФЛЮКАН*	1. Капсула 50 мг №7, 150 мг №1 2. Вена ичига инъекция килиш учун эритма 2 мг/мл 50 мл	Pfizer, Франция
11	ПРОКАНАЗОЛ	1. Капсула 50 мг №4, 150 мг №1 2. Инфузион эритма 2 мг/мл 100 мл	Protech Biosystems Pvt. Ltd, Ҳиндистон
12	ФЛЮДАР* ФЛЮДАР™ 50;150	1. Инфузион эритма 200 мг/100 мл 2. Капсула 50 мг №7; 150 мг №1	Twilight Litaka Pharma Ltd, Ҳиндистон
13	ФЛЮКОКС	1. Таблетка 150 мг №1 2. Инфузион эритма 200 мг/100 мл	Ultra Laboratoires Pvt. Ltd, Ҳиндистон
14	ФЛУКОНАЗОЛ	1. Капсула 150 мг №10 2. Таблетка 50 мг №12	Арпимед, МЧЖ Арманистон
15	ДИФЛЮЗОЛ®	1. Капсула 50 мг №7, 150 мг №1, №2 2. Капсула 0,1 г №7	Киевмедпрепарат, ПАО, Украина
16	КАНДИФЛЮ	1. Капсула 50 мг №7 2. Капсула 150 мг №1, №3 3. Инфузион эритма 2 мг/мл 100 мл	Remedy Group, МЧЖ, Ўзбекистон
17	ФЛЮКОРЕМ®	1. Капсула 150 мг №1, №3 ва 50 мг №7 2. Инфузион эритма 2 мг/мл 100 мл	Remedy, МЧЖ, Ўзбекистон
18	МИКОФЛЮ	1. Капсула 50 мг №7 2. Капсула 150 мг №1	АТМ Pharm, МЧЖ, Ўзбекистон
Terbinafine			
19	ЭРБИНОЛ	1. Сиртки қўллаш учун крем 1% 20 г 2. Таблетка 250 мг №14 3. Сиртки қўллаш учун спрей 1% 20 мл	S.C. Slavia Pharm SRL Руминия
20	ТЕРБИЗИЛ®	1. Таблетка 250 мг №14, №28 2. Крем 1% 15 г	Gedeon Richter PLC Венгрия
21	МИКОКЮР	1. Крем 1% 15 г 2. Спрей 1% 30 мл	Nobel Pac Sanayi ve Ticaret A.S. Туркия
22	БИНАФИН	1. Таблетка 250 мг №14 2. Крем 1% 10 г	Shreya Life Sciences Pvt. Ltd, Ҳиндистон
23	ТЕРБИЗИД ТЕРБИЗИД* 250	1. Сиртки қўллаш учун крем 1% 10 г 2. Таблетка 250 мг №14	Agio Pharmaceuticals Ltd Ҳиндистон
24	ФУНГОТЕРБИН	1. Сиртки қўллаш учун крем 1% 15 г 2. Таблетка 250 мг №10 3. Сиртки қўллаш учун спрей 1% 30 г	Нижфарм, ОАО Россия
25	ТЕРМИКОН®	1. Сиртки қўллаш учун спрей 1% 30 г 2. Таблетка 250 мг №14	Фармстандарт- Лексредства Россия
Ketoconazole			
26	ДЕРМАЗОЛ®	1. Сиртки қўллаш учун крем 20 мг/г 15 г, 30 г 2. Таблетка 200 мг №30 3. Шампунь 2% 50 мл, 100 мл, 8 мл №20	Kusum Healthcare Pvt. Ltd, Ҳиндистон
27	НИЗОРАЛ®	1. Шампунь 2% 25 мл, 60 мл 2. Сиртки қўллаш учун крем 2% 15 г	Janssen Pharmaceutica N.V., Бельгия

Ciclopirox			
28	МИКОСТЕР®	1. Сиртки қўллаш учун эритма 1% 30 мл 2. Сиртки қўллаш учун плёнка ҳосил қилувчи эритма 8% 3 мл 3. Сиртки қўллаш учун крем 1% 30 г	Pierre Fabre Medicament Production, Франция
Natamycin			
29	ПИМАФУЦИН®	1. Вагинал шамча 100 мг №3, №6 2. Сиртки қўллаш учун крем 2% 30 г 3. Қобик билан қопланган ичакда эрувчи таблетка 100 мг №20	Temmler Italia S.R.L., Италия
Naftifine			
30	ЭКЗОДЕРИЛ®	1. Сиртки қўллаш учун эритма 1% 10 ва 20 мл 2. Сиртки қўллаш учун крем 1% 15 г	Sandoz GmbH, Австрия
Nystatin			
31	НИСТАТИН	1. Сиртки қўллаш учун суртма 100000 ТБ/1 г 30 г 2. Плёнкали қобик билан қопланган таблетка, 500 000 ТБ №20, №20 3. Вагинал шамча 250000 ТБ, 500000 ТБ №10	Биосинтез, ОАО, Россия
32	НИСТАТИН	1. Қобик билан қопланган таблетка, 500000 ТБ №20 2. Сиртки қўллаш учун суртма 100000 ТБ/1г 15 г	Борисовск ЗМП, ОАО, Беларусия
33	НИСТАТИН	1. Қобик билан қопланган таблетка, 500000 ТБ №20 2. Сиртки қўллаш учун суртма 100000 ТБ/1 г 25 г	Белмедпрепарат, РУП Беларусия
34	НИСТАТИН	1. Вагинал шамча 250000 ТБ, 500000 ТБ №10, №20 2. Суртма 100 000 ТБ/1 г 10 г, 15 г 3. Қобик билан қопланган таблетка, 500 000 ТБ №10	TORIMED PHARM, Ўзбекистон
35	НИСТАТИН – RG	1. Суртма 100000 ТБ/1г 10 г, 15 г, 20 г 2. Қобик билан қопланган таблетка 500000 ТБ №10, №20	Remedy Group, Ўзбекистон
Sertaconazole			
36	ЗАЛАИН®	1. Сиртки қўллаш учун крем 2% 20 г 2. Вагинал шамча 300 мг №1	Ferrer International S.A., Испания
Fenticonazole			
37	ЛОМЕКСИН	1. Вагинал капсула 200 мг №6, 600 мг №1; 1000 мг №2 2. Вагинал капсула 600 мг №2; 1000 мг №1	Catalent Italy S.P.A., Италия

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, клотримазол, флуконазол, тербинафин, кетоконазол, циклопирокс, натамицин, нафтифин, нистатин, сертоконазол, фентиконазол сақлаган дори воситалари икки ва ундан ортиқ дори шаклларида ишлаб чиқарилиб, ассортиментни диверсификацияланган ҳолда, бу препаратларни ишлаб чиқарувчи корхоналарининг рақобат-

бардошлик имкониятларини кенгайтирилмоқда.

Бунда Ҳиндистоннинг Glenmark Pharmaceuticals фармацевтика корхонаси томонидан клотримазолнинг Кандид савдо номи остида чиқарилган дори воситасини 7 позицияда тақдим этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолчиларга қулайлик

яратиш мақсадида замонавий дори шакллари (вагинал таблетка, гель) аппликаторлар билан таъминланганлиги аниқланди.

1-жадвалда келтирилган дори воситаларининг диверсификация кўрсаткичлари

миқдорий жihatдан қиёсий тахлил ўтказилиб, натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган гуруҳ препаратлари ичида энг кўп ишлаб чиқарувчи

2-жадвал

**Антимикотик дори воситалари ассортименти диверсификация кўрсаткичларининг қиёсий тахлили**

	Ишлаб чиқарувчи корхоналар	Clotrimazole	Fluconazole	Terbinafine	Nystatin	Ketoconazole	Ciclopirox	Natamycin	Naftifine	Sertaconazole	Fenticonazole
Хорижий	Glenmark Pharmaceuticals	7	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Bio Medicare (India)	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Kusum Healthcare	-	4	-	-	3	-	-	-	-	-
	Protech Biosystems	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	Twilight Litaka Pharma	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	Ultra Laboratoires	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	Agio Pharmaceuticals	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-
	Shreya Life Sciences	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-
	Glaxo Smith Kline Pharm	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Gedeon Richter	-	2	2	-	-	-	-	-	-	-
	Pfizer	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	Pierre Fabre Medicament	-	-	-	-	-	3	-	-	-	-
	Slavia Pharm	-	-	3	-	-	-	-	-	-	-
	Nobel Ilac Sanayi ve Ticaret	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-
	Janssen Pharmaceutica	-	-	-	-	2	-	-	-	-	-
	Temmler Italia	-	-	-	-	-	-	3	-	-	-
	Catalent Italy	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2
Sandoz GmbH	-	-	-	-	-	-	-	3	-	-	
Ferrer International	-	-	-	-	-	-	-	-	2	-	
<b>Жами хорижий</b>	<b>3</b>	<b>6</b>	<b>5</b>	<b>-</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	

2- жадвал давоми

МДХ	Арпимед	3	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	FARMAPRIM	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Боршаговск КФЗ	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Киевмедпрепарат	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	Нижфарм	-	-	3	-	-	-	-	-	-	-
	Фармстандарт-Лексредств	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-
	Биосинтез	-	-	-	3	-	-	-	-	-	-
	Борисовск ЗМП	-	-	-	2	-	-	-	-	-	-
	Белмедпрепарат	-	-	-	2	-	-	-	-	-	-
<b>Жами МДХ</b>		<b>3</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	-	-	-	-	-	-
Маҳаллий	TORIMED PHARM	2	-	-	3	-	-	-	-	-	-
	Remedy Group	-	3	-	2	-	-	-	-	-	-
	Remedy	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
	ATM Pharm	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-
<b>Жами маҳаллий</b>		<b>1</b>	<b>3</b>	-	<b>2</b>	-	-	-	-	-	-

корхоналар томонидан диверсификацияланган дори воситаси флуконазол (6 та хорижий, 2 та МДХ ва 3 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи) эканлиги аниқланди. Шу билан бирга клотримазол (3 та хорижий, 3 та МДХ ва 1 та маҳаллий), тербинафин (5 та хорижий, 2 та МДХ), нистатин (3 та МДХ, 2 та маҳаллий) томонидан тақдим этилган. Антимикотик дори воситаларининг янги авлодини ташкил этган циклопирокс, натамицин, нафтифин, сертоканазол, фентиконазол препаратларининг диверсификацияси фақатгина Европа фармацевтик корхоналари томонидан амалга оширилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Kusum Healthcare фирмаси томонидан флуконазолнинг 4 та ва кетоканазолнинг 3 та позицияси, Венгриянинг Gedeon Richter фирмаси флуконазолнинг 2 та ва тербинафиннинг 2 та позицияси, Ўзбекистоннинг TORIMED PHARM фирмаси томонидан клотримазолнинг 2 та ва нистатиннинг 3 та позицияси, Remedy Group фирмаси томонидан флуконазолнинг 3 та ва нистатиннинг

2 та позицияси қайд этилганлиги аниқланди. Қолган ишлаб чиқарувчилар томонидан фақат битта препаратнинг диверсификацияси жорий этилганлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотларни инобатга олган ҳолда маҳаллий фармацевтика корхоналарида замбуругли касалликларни даволашда ишлатиладиган юқори самарали ва таъсир доираси кенг бўлган антимикотик дори воситалари ассортиментининг истеъмолчиларга қулай бўлган турли дори шаклларида ишлаб чиқариб, ассортиментнинг диверсификацияси ҳисобига рақобатбардорликка эришган ҳолда, фармацевтика бозоридаги ўз улушларини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги белгиланди.


Изданишимизнинг кейинги босқичида антимикотик дори воситалари ассортиментининг истеъмолчиларнинг талабига ва замонавий даволаш усулларига мувофиқлиги баҳоланди. Бунда хорижий ва МДХ давлатларида ҳамда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари томонидан тақдим этилган дори шаклларининг киёсий таҳлили ўтказилди.

Хорижий антимикотик дори воситалари ассортименти 13-та дори шаклида тақдим этилганлиги аниқланди. Унинг 25% ини крем, 22% и таблетка ва 21% и капсула дори шакллари ташкил этган. Шу билан бирга бу ассортиментда инфузион эритма, вагинал шамча, спрей, шампунь, бальзам, суртма,

гель, орал суспензия тайёрлаш учун кукун, кўз томчиси, инфузион эритма тайёрлаш учун лиофилизат дори турлари замбуруғли касалликларни замонавий даволаш усулларига мувофиқ холда тақдим этилган (1-расм).



Расм 1. Хорижий антимикотик дори воситалари ассортиментида тақдим этилган дори шакллари улушлари (% да)




Расм 2. МДХ фармацевтика корхоналари томонидан қайд этилган антимикотик дори воситалари ассортиментида дори шакллари улушлари

МДХ фармацевтика корхоналари томонидан қайд этилган антимикотик дори воситалари ассортименти 9 та дори шакли тақдим этилиб, унинг энг катта улуши таблетка – 22%, капсула – 19%, крем – 19% ва вагинал шамча – 16% ларга тўғри келди. Шу билан бирга бу ассортимент гуруҳида суртма, гель, инфузион эритма, спрей, кўз томчиси ҳамда сиртки қўллаш учун эритма

дори шакллари мавжуд (2-расм).

Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари томонидан 8 та дори шакли тақдим этилган, ассортиментнинг 39% капсула, 19% инфузион эритма, 14% суртма, 12% таблетка дори шаклларида тақдим этилган. Дори шакллари қолган улушлари 8% крем, 4% вагинал шамча, 2% спрей ва суспензия тайёрлаш учун қуқунларга тўғри келди (3-расм).



Расм 3. Ўзбекистон фармацевтика корхоналари томонидан қайд этилган антимикотик дори воситалари ассортиментида дори шакллари улушлари

Хулосалар: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги антимикотик дори воситалари ассортиметини диверсификациялаш ҳолати таҳлил қилинди. Таҳлил асосида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Ўрганилаётган ассортиментнинг энг кўп диверсификацияланган ассортимент позициялари аниқланди (флуконазол, тербинафин, клотримазол, кетоконазол - хорижий ассортиментда; нистатин, клотримазол МДХ ишлаб чиқарувчилари ассортиментида; флуконазол ва нистатин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ассортиментида).

2. Антимикотик дори воситалари ассортиметини диверсификациялашнинг юқори даражаси Ҳиндистон фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналари томонидан амалга

оширилганлиги аниқланди.

3. Антимикотик дори воситалари ассортиметининг истеъмолчиларнинг талабига ва замонавий даволаш усулларига мувофиқлиги баҳолаш мақсадида хорижий ва МДХ давлатлари ҳамда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари томонидан тақдим этилган дори шаклларининг қиёсий таҳлили ўтказилди.

4. Маҳаллий антимикотик дори воситалари ассортиметининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида замонавий даволаш усулларига мувофиқ ҳолда гель, кўз томчиси, шампунь ва бальзам дори шакллари тadbик этиш ва ишлаб чиқарилаётган ассортимент позицияларини келгусида янада диверсификациялаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестри – Тошкент, 2015. - №19. Б. 5 – 517
2. Лузгина О.А. Диверсификация производства: целесообразность и проблемы. В сборнике «Актуальные проблемы повышения эффективности управления экономикой». – Пенза, Изд-во ПГУ, 2002. – С. 3–13.

D.T. Saipova, Y.G. Aslanova

**COMMODITY DIVERSIFICATION OF ANTIFUNGAL DRUGS**

*It was studied the state of the diversification of the range of antifungal drugs that make up a significant segment of the pharmaceutical market of the Republic of Uzbekistan, and are widely used in the treatment of fungal diseases. Directions for the development of the assortment policy of domestic pharmaceutical enterprises and to ensure the competitiveness of domestic antifungal medicines have been presented.*

*It was studied the state of the diversification of the range of antifungal drugs that make up a significant segment of the pharmaceutical market of the Republic of Uzbekistan, and are widely used in the treatment of fungal diseases. Directions for the development of the assortment policy of domestic pharmaceutical enterprises and to ensure the competitiveness of domestic antifungal medicines have been presented.*

**Key words:** antifungal drugs, the diversification of the international non-proprietary name, trade name, dosage form, the position range

Д.Т. Саипова, Ю.Г. Асланова

**ДИВЕРСИФИКАЦИЯ АССОРТИМЕНТА АНТИМИКОТИЧЕСКИХ  
ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ**

*Изучено состояние диверсификации ассортимента антимикотических лекарственных средств, составляющих значительный сегмент фармацевтического рынка Республики Узбекистан и широко применяющихся в лечении грибковых заболеваний. Представлены направления по развитию ассортиментной политики отечественных фармацевтических предприятий и обеспечению конкурентоспособности отечественных антимикотических лекарственных средств*

**Ключевые слова:** антимикотические лекарственные средства, диверсификация, международное непатентованное название, торговое название, лекарственные формы, позиция ассортимента

Тошкент фармацевтика  
институту

02.09.2015 й.  
қабул қилинди

# ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАСЕВТИК ХАВАРНОМАСИ

4  
2015

## ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА

FARMASEVTIKA ISHINI TASHKIL ETISH  
VA DORI VOSITALARI TEXNOLOGIYASI

СТАНДАРТИЗАЦИЯ

FARMAKOGNOZIYA VA  
FARMASEVTIK KIMYO

КОНТРОЛЬ

DORI VOSITALARNING  
NOJO'YA TA'SIRLARI

РЕГИСТРАЦИЯ

FARMINSPEKSIYA  
MA'LUMOTLARI

FARMAKOLOGIYA

ISSN 2181-0311

2. Пономарева А.А., Кононова С.В., Мозговая Н.А., Конышкіна Т.М., Жданович И.В., Жукова О.В., Егорова Т.В. Рациональное использование антибиотиков при лечении внебольничной пневмонии. Медицинский альманах -М.,2011.- №1.- С.230-232.
3. British Thoracic Society Standards of Care Committee. British Thoracic Society guidelines for management of community-acquired pneumonia in childhood. Thorax 2002;57 (Suppl.1):ii-24
4. Pecheira J.C. (Ed.) Community acquired pneumonia in children. International forum series. Cambridge medical publication.2005.154p.
5. RPM "Rapid Pharmaceutical Management Assesment: An Indicator Based Approach" 1655 North Fort Myer Drive, Suite 920 Arlington, VA 22209 USA 2008.-P.7-42.

**Z.A. Ubaydullaeva**

#### **Analysis of direct costs on treatment of children pneumonia**

This paper presents an analysis of the direct costs of pharmacoeconomic presence of children with pneumonia who were hospitalized during 2009-2013 yy. In the clinic Republican Specialized Scientific-Practical Medical Centre of Pediatrics. In diagnostics and monitoring of disease, and also in complex treatment of patients, costs of antibacterial preparations were significant that can be reduced by purchasing antibiotics of domestic producers.

**Key words:** pneumonia, children, costs, cost of treatment.

**З.А. Убайдуллаева**

#### **Анализ прямых затрат на лечение пневмонии у детей**

В статье представлены результаты фармакоэкономического анализа «стоимость болезни» пациентов детского возраста с диагнозом пневмония, пролеченных в клинике Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра педиатрии за 2009-2013гг. Выявлено, что при диагностике и мониторинге заболевания, а также при комплексном лечении пациентов затраты на антибактериальные препараты значительны и снизить затраты можно путем закупа антибиотиков отечественного производства.

**Ключевые слова:** пневмония, дети, затраты, стоимость лечения.

УДК 615.282.84.614.272

**Д.Т. Саипова, Ю.Г. Асламова**

#### **АНТИМИКОТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ КОНТЕНТ ТАҲЛИЛИ КОНТЕНТ-АНАЛИЗ АССОРТИМЕНТА АНТИМИКОТИЧЕСКИХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ**

**Ташкентский фармацевтический институт**

Проведен структурированный контент анализ антимикотических лекарственных средств путём сопоставления количественных и качественных характеристик ассортимента стран дальнего зарубежья, СНГ и Узбекистана. Оценены потребительские свойства ассортимента, соответствие современным методам лечения микозов по представленности в нем различных лекарственных форм. Выявлены направления развития отечественного ассортимента антимикотических лекарственных средств.

**Ключевые слова:** грибковые заболевания, антимикотические лекарственные средства, динамика развития, контент анализ, широта ассортимента, глубина ассортимента, индекс обновления, лекарственные формы, международное непатентованное название

Сўнгги ўн йил ичида замбуругли  
касаликлар билан касалланиш сони дунё  
миксиди сезиларли даражада ўсиб бормокда.  
Бунинг сабаблари кўп бўлиб, айниқса,


антибиотиклар, иммунодепрессантлар ва бошқа  
дори воситаларини кенг миксда, узок вақт  
қўлланилиши алоҳида аҳамиятга моликдир.  
Организм иммун тизимининг сустлашиши

окибатида нопатоген замбуруглarning патоген ҳолатига ўтиши, шунингдек, патоген замбуруглarning қўлланилаётган дори воситасига нисбатан чидамлилигининг ошиши каби омиллар замбуруғ касалликларининг ўсиши ва кенг тарқалишига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда 400 га яқин патоген замбуруғлар аниқланган бўлиб, уларни даволашда антимикотик дори воситалари қўлланилади. Мазкур дори воситалари микозларни олдини олиш ва даволашда фунгицид ёки фунгистатик таъсир кўрсатади. Замбуруғ касалликларининг тарқалиши ортгани сари уларга қарши қўлланиладиган дори воситалари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, кўпайиб бормоқда. Ушбу патология билан касалланган беморларни зарур дори воситалари билан таъминланишини

такомиллаштириш мақсадида антимикотик дори воситаларининг ассортимент таҳлилини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга [1,2].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур изланиш мақсади - Ўзбекистон Республикасида қайд этилган антимикотик дори воситалари ассортиментининг сўнгги йиллардаги ўзгариш динамикасини ўрганиш, контент таҳлилини ўтказишдан иборат.

Изланиш объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестрининг 2010-2015 йй. маълумотлари ахборот манбалари ўрганилди: изланишнинг дастлабки босқичида ўрганилаётган ассортимент гуруҳининг 2010-2015 йй. давридаги миқдорий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди.



Расм 1. Антимикотик дори воситалари ассортиментининг ўзгариш динамикаси (2010-2015 йй.)

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2015 йй. даврида хорижий антимикотик дори воситаларининг ассортименти 1,3 баробар, маҳаллий ассортимент эса 3,77 баробар ошган. Бу кўрсаткичлар республикамизда замбуруғли касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларига бўлган талаб ошаётганлиги билан асосланади. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан микозларни даволаш мақсадида қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилиб, ассортимент кенгайиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари томонидан тақдим этилган антимикотик дори препаратлари миқдори эса деярли барқарор ҳолатда сақланганлиги аниқланди.

Антимикотик дори воситалари ассортиментининг контент таҳлили ишлаб чиқилган методология асосида "Дори

воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестри" №19 (2015 й.) маълумотлари бўйича ўтказилди. Таҳлил Ўзбекистон фармацевтика бозорига тақдим этилган дори воситаларининг миқдорий (ассортимент кенглиги, чуқурлиги, янгилик индекси) ва сифат (дори шакллари, таркиби, таъсир этувчи моддаси, келиб чиқиши) кўрсаткичлари бўйича давлатлар кесимида таққосланган ҳолда таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 226 та антимикотик дори воситалари позицияси қайд этилган бўлиб, унинг 53,0% хорижий, 25,2% МДХ давлатлари ва 21,7% маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушларига тўғри келиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар умумий ва давлатлар бўйича ассортимент кенглигини ифодалайди.

## Антимикотик дори воситалари ассортименти тизимли таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Хорижий		МДХ		Маҳаллий		Жами	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
<i>Миқдорий кўрсаткичлар</i>									
1	Ассортимент кенглиги	120	53,00	57	25,20	49	21,70	226	100,00
2	Ассортимент чуқурлиги	22	18,30	10	17,50	6	12,20	38	16,80
3	Янгилашти индекс	45	37,50	16	32,70	38	77,60	99	43,80
<i>Сифат кўрсаткичлар</i>									
<i>Дори шакллари бўйича</i>									
1	капсула	27	21,42	11	18,96	19	38,7	57	24,46
2	крем	32	25,39	11	18,96	4	8,16	47	20,17
3	таблетка	28	22,22	13	22,41	6	12,25	47	20,17
4	инфузия учун эритма	18	14,28	3	5,172	9	18,36	30	12,87
5	вагинал шамча	5	3,96	9	15,51	2	4,08	16	6,86
6	суртма	2	1,58	6	10,34	7	14,28	15	6,43
7	спрей	4	3,17	2	3,44	1	2,04	7	3,00
8	гель	3	2,38	2	3,44	-	-	5	2,14
9	инфузион эритма тийёрлаш учун лиофилизат	2	1,58	-	-	-	-	2	0,85
10	кўз томочи	1	0,79	1	1,72	-	-	2	0,85
11	куку	1	0,79	-	-	1	2,04	2	0,85
12	шампунь	2	1,58	-	-	-	-	2	0,85
13	бальям	1	0,79	-	-	-	-	1	0,42
<i>Таъсир этувчи модда бўйича</i>									
1	Fluconazole	46	38,33	16	28,07	24	48,97	86	38,05
2	Terbinafine	19	15,83	10	17,54	3	6,12	32	14,15
3	Clotrimazole	18	15,00	7	12,28	6	12,24	31	13,71
4	Nystatin	4	3,33	10	17,54	11	22,44	25	11,06
5	Ketoconazole	8	6,66	2	3,50	3	6,12	13	5,75
6	Miconazole	2	1,66	6	10,52	-	-	8	3,53
7	Natamycin	3	2,50	2	3,50	-	-	5	2,21
8	Itraconazole	2	1,66	-	-	2	4,08	4	1,76
9	Naftifine	3	2,5	1	1,75	-	-	4	1,76
10	Ciclopirox	3	2,5	-	-	-	-	3	1,32
11	Sertaconazole	3	2,5	-	-	-	-	3	1,32
12	Fenticonazole	2	1,66	-	-	-	-	2	0,885
13	Bifonazole	-	-	1	1,75	-	-	1	0,44
14	Caspofungin	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
15	Chlornitrophenol	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
16	Econazole	-	-	1	1,75	-	-	1	0,44
17	Griseofulvin	-	-	1	1,75	-	-	1	0,44
18	Micafungine	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
19	Oxiconazole	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
20	Tridekanamine undecylenas	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
21	Undecylenic acid	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
22	Vuticonazole	1	0,83	-	-	-	-	1	0,44
<i>Таркиби бўйича</i>									
1	Монопрепарат	115	95,80	55	96,50	49	100	219	96,90
2	Полипрепарат	5	4,20	2	3,50	-	-	7	3,10
<i>Келиб чиқиши бўйича</i>									
1	Табий	-	-	-	-	-	-	-	-
2	Синтетик	120	100	57	100	49	100	226	100

Ассортимент чуқурлиги маркетинг тадқиқотларида таҳлил қилинадиган муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, ишлаб чиқарувчи корхонанинг бир савдо номи остида чиқариладиган дори препаратини турли дори шаклларида ишлаб чиқариб, турли гуруҳдаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирган ҳолда рақобатбардошлик салоҳиятини оширувчи ахамиятли омил ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич

таҳлил этилганда, хорижий ишлаб чиқарувчи давлатлар томонидан 22 та препарат, МДХ давлатлари томонидан 10 та ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 6 та препарат икки ва ундан ортиқ позицияда тақдим этилганлиги аниқланди. Бу позициялар Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги антимикотик дори воситаларининг 16,8% ини ташкил этган.

Ассортиментнинг янгиланиш индекси мажмуур гурух препаратлари буйича инновацион сифат асосида янги дори воситаларини кайд этиш тенденциясини баҳолайди. Бу кўрсаткични аниқлаш учун 5 йил (2011-2015 йй.) ичида кайд этилган антимикотик препаратлар ҳисобланиб, уларнинг препаратларнинг умумий сонига нисбатан фоизи аниқланганда, энг юкори кўрсаткич 77,60% маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида кузатилади, яъни маҳаллий ассортиментнинг 49 та позициясидан 38 таси янги кайд этилган дори воситаларини аниқланди. Шунингдек, хорижий ишлаб чиқарилган антимикотик дори воситалари ассортиментининг янгиланиш индекси 37,5% ва МДХ давлатларида эса 32,7% ни ташкил этди.

Ивланишимизнинг кейинги босқичида ўрганилаётган ассортиментнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил килинди. Бунда истеъмолчилар учун аҳамиятли кўрсаткич бўлган ва дори воситасини истеъмолида беморларга қулайликни таъминлайдиган ассортиментнинг дори шакллари буйича тақдим этилганлиги баҳоланди. Дори шакллари буйича хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан 13 турдаги дори шакллари тақдим этилаётганлиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан микозларни даволашда ишлатиладиган кўз томчиси, бальзам, гел, инфузион эритма учун лиофилизат, шампунь дори турлари ишлаб чиқарилмаётганлиги аниқланди.

Ассортиментни ташкил этувчи препаратлар таркибидаги таъсир этувчи моддаси буйича таҳлил турли савдо номларида тақдим этилган антимикотик дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (ХПН)га кўра ўтказилди. Таҳлил асосида хорижий антимикотик дори воситалари ассортиментидagi энг кўп ХПН -19 та, МДХ давлатларида 12 та ХПН, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кайд этилган антимикотик дори воситалари 6 та ХПНга тўғри келди. Таркибида бутоконазол, каспофунгин, хлорнитрофенол, циклопирокс, фентиконазол, микафунгин, оксиназол гидрат, тридеканамин ундецилат, ундецилин кислота сақлаган дори воситалари фақат хорижий фирмалар томонидан, бифоназол, эконазол, гризеофульвин сақловчи дори воситалари фақат МДХ давлатлари томонидан тақдим этилган. Шунингдек, миконазол, нафтифин, натамицин препаратлари хорижий ва МДХ давлатлари томонидан тақдим этилган бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан бу препаратларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаганлиги аниқланди. Ўрганилаётган ассортимент гуруҳини келиб чиқишига кўра таҳлил қилиш

асосида Ўзбекистон фармацевтика бозорига тақдим этилган препаратларнинг барчаси синтетик дори воситалари эканлиги аниқланди.

Препаратларнинг таркиби буйича ўтказилган таҳлил асосида улардан 3,10% полипрепаратлар бўлиб, хорижий ва МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари томонидан кайд қилинган. Полипрепаратларнинг таркибига замбуруглар чакирган яллиғланишни олдини олиш мақсадида антибиотиклар ва глюкокортикостероидлар киритилганлиги аниқланди. Маҳаллий ассортимент фақат монопрепаратлардан ташкил топганлиги белгиланди.

Юкоридагиларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий антимикотик дори воситаларини ассортиментини такомиллаштириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ассортимент кўрсаткичлари буйича чора тadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги белгиланди:

- **ассортиментнинг чуқурлиги кўрсаткичи буйича:** импорт ўрнини босувчи юкори талабга эга бўлган антимикотик препаратларни икки ва ундан ортик дори шаклларида тақдим этган ҳолда турли тоифадаги беморлар эҳтиёжини қондириш;

- **дори шакллари буйича:** дори воситалари ассортиментининг замонавий даволаш усулларига мувофиқ ҳолда гел, кўз томчиси, шампунь ва бальзам дори шаклларини тadbик этиш;

- **таъсир этувчи модда буйича:** натамицин, нафтифин, циклопирокс, сертаконазол, миконазол каби ХПН лар асосида янги дори препаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- **келиб чиқиши буйича:** ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган чора-tadbирларга мувофиқ равишда маҳаллий хом ашёлар негизида табиий асосга эга бўлган антимикотик дори воситаларини яратиш ва маҳаллийлаштириш дастурига кўра ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- **таркиби буйича:** микозларни комплекс даволаш мақсадида полипрепаратларни яратиш.

**Хулоса.** Сўнгги йилларда хорижий ҳамда маҳаллий антимикотик дори воситаларининг ассортименти сезиларли даражада ошганлиги аниқланди. Шунингдек, антимикотик дори воситаларининг тизимли контент-таҳлили хорижий, МДХ давлатлари ва Ўзбекистон ассортиментининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари буйича ўтказилиб, ассортиментнинг истеъмол хусусиятларини баҳолаш асосида микозларни даволашнинг замонавий усулларига мувофиқ турли дори шаклларининг тақдим этилганлиги аниқланди. Маҳаллий

антимикотик дори воситалари ассортиментининг ривожланиш йўналишлари белгиланди.

Адабиётлар

1. Степанова Ж.В. Грибковые заболевания: диагностика и лечение. М.: Миклош, 2007
